***Konstitutsiya saboqlari***

# Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ОЛТИНЧИ МАҚОЛА

Бу бўлим Конституциямизнинг асосий қисмини ташкил этади. 76-моддадан то 126-моддагача ўз ичига олган бўлиб, жами 9 бобдан иборатдир. Дастлабки, XVIII боб **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси»** деб аталиб, мамлакат парламентининг ҳуқуқий асосларини ифода этган. Дарҳақиқат, Олий Мажлисимиз олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. 78-моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ифодаланган.

XIX боб эса **«Ўзбекистон Республикасининг Президенти»** деб аталиб, жами 9 моддадан иборатдир. Бу ўринда мамлакатнинг давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи қандай ваколатларни зиммасига олганлиги муфассал кўрсатилган. Ўрни келганда Президент қасамёди ҳақида сўз юритсак-да, бу билан Юртбоши зиммасида қандай залворли юк турганлигини тасаввур этсак. 92-модда қуйидагича баён этилган: **«Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:**

**«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентга берилган ваколатлар ўтган давр ичида ўзининг ҳаётбахш эканлигини тўла кўрсатди. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилиши, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўриш, республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони бўлиш каби шарафли вазифалар айнан мана шу Конституциянинг амалга оширилиши натижасида реал воқеликка айланди.

Ушбу бўлимда **«Вазирлар Маҳкамаси»**, **«Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари»** каби боблар ижро ҳокимиятига бағишланган.

Кейинги боб сайлов тизимига бағишланган бўлиб, унда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, овоз беришнинг тенглиги ва эркинлиги қонун йўли билан кафолатланади. XXIV бобда Прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Бу тизимга ҳам ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириш юклатилган. 120-моддада кўрсатилган ушбу сўзларни ҳамма билиши ва унга амал қилиши бизнинг ҳуқуқий жамият сари одимимизни тезлатади.

Давлат бюджети ҳақидаги модда **«Молия ва кредит»** бобидан ўрин олган. 122-моддада ёзилишича, **«Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат».**

Давлат бюджети қай тарзда яратилиши, тақсимланиши унга бағишланган махсус қонунда баён этилади. Солиқ ва банк тизимлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Ушбу бўлимнинг охирги боби **«Мудофаа ва хавфсизлик»** деб аталади. Мазкур боб 2 та моддадан иборат бўлиб, унда Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий мақоми ўз ифодасини топган.

Конституциямизнинг охирги олтинчи бўлими **«Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби»** ҳақида. 127-моддада **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади»** деб кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишда ҳам ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Ўзлигини англаган одамларгина фидойилик билан олға интилади, ички имкониятларини ишга солиш ҳақида фикрлайди. Шундай экан, Конституциямизни билиш ҳар биримизнинг ҳам эҳтиёжимиз, ҳам ҳаётий заруратимиздир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

---

> ***Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси-бу жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

# Ҳур тафаккур ёлқинлари

***Публицистика***

**Отам биз — фарзандларига бобомизнинг қисмати ҳақида бот-бот сўзлаб берарди. Мустақилликнинг имкониятлари ҳақида, ёшларга яратилган бугунги шарт-шароитлар тўғрисида ўйлаганимда хаёлимда отам ва бобом кечмиши жонланади.**

Бобом дунёвий ва диний илмларни яхши биладиган, маърифатпарвар киши бўлган, аммо ўша давр, собиқ тузумнинг зиёлиларга қарши қўллаган оммавий сиёсати миллатнинг минглаб маърифатпарвар фарзандлари қаторида уни ҳам таъқибга олган. Умрининг энг ёрқин дамларини қувғинликда юриб, кимсасиз дала-даштларда чўпонлик қилиб ўтказган. Отам ҳам изланишга, илм олишга ҳар қанча чанқоқ бўлмасин, бобомнинг раъйи ва замона зайли билан ўз орзуларидан кечиб, ота ортидан чўпонлик таёғини судрашга мажбур бўлди. «Подачининг боласи подачи бўлиши керак», деган эскича қарашлар илдиз отган жамият таназзулига учрагач, отам каби умидлари қирқилган инсонлар ҳаётига ҳам ёруғлик инди.

Бобом ва отамнинг ҳаёти собиқ тоталитар тузумнинг зиёлиларга кўрсатган оддий таъсир усулларидан бири, холос. Аслида тузумнинг асл моҳияти ҳам жамиятни турғунликда ушлаш, онгли инсонлардаги соғлом фикрни бўғиш орқали ижтимоий ҳаётда тафаккур қарамлигини вужудга келтириш эди. Бу жараёнларда олиб борилган сиёсат эътиқодига содиқ бўлмаган, ўз фикрига, қарашига эга бўлмаган инсонларни тарбиялашга қаратилди. Бунга бирмунча бўлса-да, эришилди. Абсурд ғоя билан суғорилган яккапартиявийлик мафкураси ижтимоий ҳаётдан устун қўйилди. «Коммунизм отасиман» деб чиққан шахслар қарашлари тамойил сифатида жамиятда қулоч ёйди. «Коммунизм отаси» тарғиб қилган идеология миллионлаб инсонлар онгини заҳарлашга, шуурига ягона мафкурани сингдиришга ва бу мафкурани халқ ҳаётига, турмуш тарзига олиб киришга хизмат қилди.

Одатда бўш ва мавҳум мафкура келажаги таназзул билан боғлиқ. Фашизм, сианизм мафкурасини оласизми, марксизм-ленинизм мафкурасини оласизми, барчасининг интиҳоси инсониятга қимматга тушган. Мутлоқ абсурд, қум устига қурилган иморатдай омонат коммунизм ғояси ҳам бутун инсоният кўз олдида қулаб тушди. Мустақиллик сари юз бурган дастлабки синовли йиллардаёқ мамлакатимизда турли-туман низоларнинг келиб чиқишига, халқ орасида ишончсизликнинг, талотўп ва ваҳималарнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмади. Бу инсонпарварлик ва халқпарварлик ҳаракатларининг дастлабки илк одимлари эди. Энг аввало, жамиятда соғлом муҳитни яратишга эътибор қаратилди. Шахс тафаккури, ҳурфикрлик ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Собиқ иттифоқдаги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб ижтимоий соҳа таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу дамлардан бошлаб халқ қалбида эртанги кунга ишонч учқуни пайдо бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Топталаётган урф-одатларнинг, асрий анъаналарнинг тикланиши йўлида дадил қадамлар ташланди. Наврўз умуммиллий байрам, деб эътироф этилди. Энг асосийси, мамлакат МУСТАҚИЛ деб эълон қилинди. Ўз сўзимизга, эркин ва ҳур яшаш имконига эга бўлдик. Туб ижтимоий, иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар мамлакат ҳаётида қулоч ёйди.

Тўғри, Ўзбекистон мустақиллигига эндигина 16 йил бўлаяпти ... Ана шу қисқа даврда кўп нарсага эришдик, бугун бунинг самарасини халқимиз тафаккуридаги ўзгаришлар тимсолида ҳам кўриб турибмиз. Бугун қаерга борманг, меҳнати қадрини ошираётган, ҳаётидан мамнун, эртасига ишониб олдга интилаётган одамларни кўрасиз. Ўз пешона терининг, ҳаракатининг роҳатини саховатпеша инсонлар элдошлари билан баҳам кўраётганига гувоҳ бўласиз.



Бугунги кенг кўламли ислоҳотлар одамлар қалбида ўз манфаатини умумхалқ манфаати билан бирлаштириш, юртга садоқатни намоён этишга, Ватанга хизмат қилишга иштиёқини кучайтирмоқда. Айниқса, жамиятда соғлом муҳит қарор топиб, инсонийлик ғояси улуғланган янги жамият равнақига йўл очди.

«Мен миллионерман», деб ғурурланган фермердан миннатдор эл унга ҳавас билан қарамоқда. Фермер ўз ҳисобидан янги, замонавий усулда мактаб қуриб бераяпти. Тадбиркор тумандаги болалар боғчасини, шифохонани қайта таъмирлаяпти. Маҳаллани обод қилиб янги чойхона, гузар қурган ишбилармонларнинг сафи кенгаймоқда. Бундай беминнат, хайрли ишларнинг ортида халқимизнинг асрлар давомида эъзозланган азалий қадриятларининг тимсоли яна кўз очди. Буларнинг барчаси жамиятда кечаётган ўзгаришлар натижасидир.

Тезкор тараққиёт мезони бўлиб бораётган давр ҳам янги аср одамидан ўзгаришни талаб қилмоқда. Замон билан ҳамнафас, ҳамроз яшашни мустақиллик фарзандлари ҳам аллақачон англаб улгурди.

Бугун бу мустақиллик фарзандлари янги имкониятлар даврида яшамоқда. Замонавий қиёфадаги мактаблару коллеж-лицейларда таълим-тарбия олмоқда. Ватанга муносиб фарзанд бўлиб камол топаётган йигит-қизлар фикрларини эшитиб, интилишларини кўриб чиндан ҳам **биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли авлод** улғаяётганига амин бўласан киши. Мамлакат сиёсатининг устувор вазифасидаги жисмонан соғлом, маънан етук авлод камол топтиришга қаратилган оқилона сиёсат самарасини кўриб кўнглинг фахрга тўлади.

Ёшлар муаммоларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши; ўқийман, изланаман, деган ҳар бир келажак авлод учун кенг имконият яратиб берди. Бугун оддий ўзбек деҳқонининг боласи ўз салоҳияти орқали халқаро миқёсларида ютуқларга эришаётганини табиий қабул қила бошладик. Буларнинг барчаси мустақиллик берган беқиёс имкониятлар инъикосидир. Авваллари бу имкониятларни ҳатто орзу қилиш ҳам хаёлпарастликдек туюлгани бор гап. Бир вақтлар ҳатто «Ўзбекистон» деган давлат борлигини унутаёзган дунёнинг бугун бу мамлакатга муносабати тубдан ўзгарган. Ўта қисқа даврда мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқлар, дунё ҳамжамияти билан тенгма-тенг манфаатли ҳамкорлик натижалари, мамлакатнинг одилона, умуминсоний қонун-қоидаларга монанд олиб бораётган ташқи сиёсати ривожланган мамлакатларнинг Ўзбекистон билан ҳисоблашишига ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатишига сабаб бўлмоқда. Марказий Осиё минтақасида эркин бозор муносабатларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшаётган, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга давлат ҳисобланадиган диёримиз айни вақтда жаҳон ҳамжамияти доирасида муносиб ўрнини эгаллаб улгурди.

Дарҳақиқат, бугун дунё янгиланаяпти, замон ўзгараяпти. Замондан-да кўра кўпроқ фикримиз, тафаккуримиз ўзгараяпти. Янгича фикрлайдиган, қарашлари ҳам бутунлай янги авлод камол топаяпти. Шу халқнинг орзусидаги, Ватанига содиқ миллат фарзандлари улғаймоқда.

**Аслиддин АБДУЛАЗИЗ**

---

***Tadbir***

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Яқинда Республика Маънавият тарғибот марказида мазкур марказ ҳамда Олий Мажлис Сенати, Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида «Инсон манфаатлари — олий қадрият» мавзусида маънавий-ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил август ойида эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги ва **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармонларининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш, жойларда тарғибот ишларини олиб боришга бағишланган ушбу тадбирда Олий Мажлис Сенати, Олий суд, Адлия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, сенатор Мавжуда Ражабова истиқлол йилларида мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган туб ислоҳотлар, хусусан, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишининг халқаро аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Тадбир иштирокчилари **«Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги, **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонунларнинг қабул қилиниши учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, бу борада ижтимоий муносабатлар шаклланганлигига эътибор қаратишди. Жамиятимизда инсонпарварликнинг беқиёс ифодасига айланган ушбу қонунлар мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига мутаносиблиги таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдураҳимова, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар бундай янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашлари учун аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги хусусида тўхталдилар. Тадбирда қатнашган Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят бўлимлари раҳбарлари ва бошқа йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

---

# Ибрат

***Пастдарғом туманидаги Дўрмонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли умрининг йигирма беш йилини нотариал фаолиятга бағишлаган, кўплаб ёшларга иш тажрибалари билан устозлик қилган соҳа фахрийси Тошболта Норқуловни ниҳоятда қадрлашади.***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Т.Норқулов ўз корхонаси ҳисобидан ўтган йили маҳалланинг кам таъминланган оилаларидан 10 тасига 3 миллион 120 минг сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатган. Маҳалла ободончилиги учун яна 200 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Бу йил республикамизда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури қабул қилингани ва унинг ижроси муваффақиятли таъминланаётганлиги устоз ҳуқуқшуносда янада рағбат уйғотди. Т.Норқулов корхонаси маҳалладаги Жомеъ масжидига 450 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами



кўрсатди.

Т.Норқуловнинг эзгу иши бошқаларга ҳам ибрат бўлди. Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи ёш нотариус А.Умаров ўз корхонаси ҳисобидан шаҳардаги «Сиёбча», «Усмон Юсупов», «Лучакон», «Қош Ҳавуз», «Лолазор» маҳалласида яшовчи фуқароларни 431 минг 50 сўмга «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ҳамда «Ҳуқуқ ва бурч» журналига обуна қилди.

**Расул ДАВРОНОВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ходими**

---

***Bandlik dasturi amalda***

# Жўшқин ва қудратли куч

***Юртбошимиз томонидан 2007 йилги истиқбол кўрсаткичлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг етти устувор йўналиши белгилаб берилди. Бундан кўзланган асосий мақсад нима? Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳаётий масалаларнинг жиловини қўлдан қўйиб юбормаслик.***

Устувор йўналишларнинг бешинчиси — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат.

Ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида ва **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**ги Қонун асосида Бухоро вилоятида «Бандлик-2007» дастури ишлаб чиқилган. Дастур тадбирлари қоғозда қолиб кетмаслиги учун вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият юритмоқда.

Ана шу мақсадлар йўлида иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармасидан шу йилнинг биринчи ярми давомида 885 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бу эса ўз навбатида 858 та янги иш ўринлари яратилиши имкониятини туғдирди. Маблағ асосан кичик бизнесни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сервис хизматини ривожлантириш, чорва моллари сотиб олиш мақсадлари йўлида сарф этилди.

— «Бандлик — 2007» тадбирлари доирасида Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан биринчи ярим йилликда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган 16098 нафар фуқароларга меҳнат дафтарчалари расмийлаштириб берилди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Илҳом Амонов. — Уларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади.

Касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари мунтазам тарзда ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида ишлаш иштиёқидаги фуқаролар 37 марта меҳнат бозори ярмаркаларига ташриф буюрдилар. Эътиборли томони шундаки, ярмаркаларнинг 18 таси касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ўтказилди. Натижада 166 нафар таълим муассасалари битирувчилари иш билан таъминланди.



Битирувчиларнинг иш билан таъминланганлиги бўйича ўтказилган мониторинг натижасига кўра, иқтисодчи, молия ходими, ҳисобчи, автотранспортга техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш талабга нисбатан анча кўпайиб кетгани аниқланди. Аксинча, умумий овқатланиш, металларга ишлов бериш, чилангарлик, радиотелесозловчи, электрик, йигирувчи, асаларичи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи каби мутахассисликлар эҳтиёжга нисбатан бироз кам тайёрланмоқда. Квоталанган иш жойларига ижтимоий муҳофазага муҳтож битирувчилар ишга жойлаштирилишини инобатга оладиган бўлсак, мониторингдан жиддий хулосалар чиқаришга тўғри келади.

«Бандлик-2007» дастурида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган йигитларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам кўзда тутилган. Масалан, ўтган йили сентябрь, декабрь ойларида 823 нафар йигит ҳарбий хизматдан бўшатилди. Шулардан 703 нафари турли мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштирилди.

Йигитларнинг қолган қисми эса олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида таҳсил олиш истагини билдирди.

Мамлакатимизда юрт келажаги ва эртасини белгиловчи ёшлар тақдирига бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Улар учун янги иш ўринлари яратишга қаратилган сиёсат долзарб аҳамият касб этаверади. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, **«Ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш — бу уларнинг замонавий таълим ва тарбия олишга, зарур касб-ҳунарларни эгаллашга бўладими, иш ўрнига эга бўлиши, ўз қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариши учун имконият яратиш бўладими, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оёққа турғазиш бўладими — бу масалалар барчаси биз учун энг муҳим ва устувор масала бўлиб қолаверади»**.

Ҳақиқатан ҳам ҳаёт яхшилик, эзгулик ва ҳалолликдан иборатдир. Шундай экан, ёшлар тақдири, ҳаётига, истиқболига барчамиз бирдек масъулмиз. Чунки улар тоғни урса талқон қиладиган бунёдкор, жўшқин, ҳароратли ва қудратли кучдир.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

*вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида*

### МАЪЛУМОТ

*(2007 йил 28 июлдан 10 август ҳолатига)*

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 16 июлдаги М-35, 26, 10-сонли қарори.*

**2007 йил 28 июлда 487-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 августдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 30 июндаги 18/4-сонли қарори.*

**2007 йил 28 июлда 773-24-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 августдан кучга киради).**

3. «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 25 июндаги М-31-сонли буйруғи.*

**2007 йил 28 июлда 1136-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 августдан кучга киради).**

4. «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини ҳамда ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек, ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 17 июлдаги 68-сонли буйруғи.*

**2007 йил 3 августда 1700-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 26 июлдаги 71-сонли буйруғи.

**2007 йил 3 августда 9-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

6. «Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 24-сонли буйруғи.*

**2007 йил 3 августда 153-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

7. «Ўзбекистон Республикасининг фундаментал илмий тадқиқотлар дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 23-сонли буйруғи.*

**2007 йил 3 августда 156-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

8. «Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 22-сонли буйруғи.*

**2007 йил 3 августда 157-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

9. «Илмий-техник лойиҳалар танлови тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 19-сонли буйруғи.*

**2007 йил 3 августда 211-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

10. «Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ инновацион ишлар дастурини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 20-сонли буйруғи.*

**2007 йил 3 августда 212-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

11. «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишланмаларга давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 21-сонли буйруғи.*

**2007 йил 3 августда 284-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

12. «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишларни молиялаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 25 июлдаги 4, ДК/12-06-14/560 -сонли қарори.*

**2007 йил 3 августда 303-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

13. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 30 июндаги 18/3-сонли қарори.*

**2007 йил 7 августда 1080-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 августдан кучга киради).**

14. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2007 йил 21 июлдаги 228-В-5, 04/18-371 -сонли қарори.*

**2007 йил 7 августда 1216-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 августдан кучга киради).**

15. «Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 25 июндаги 68, 2007-38, 291-В-сонли қарори.*

**2007 йил 9 августда 1701-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 19 августдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 487, 28.08.1998 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 28 июлдаги 138-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш тартиби ҳақида қўлланма. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 4, 12.11.1993 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 142-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 3 августда 4-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).**

3. Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 9, 29.12.1993 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 143-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 153, 13.06.1995 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 144-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

5. Ўзбекистон Республикасининг фундаментал илмий тадқиқотлар дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 156, 13.06.1995 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 145-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

6. Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 157, 13.06.1995 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 146-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

7. Илмий-техник лойиҳалар танлови тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 211, 03.01.1996 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 147-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

8. Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ инновацион ишлар дастурини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 212, 03.01.1996 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 148-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

9. Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишланмаларга давлат буюртмаси тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 284, 04.11.1996 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 149-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

10. Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишларни молиялаштириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 303, 29.01.1997 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 150-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

11. Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1480, 16.06.2005 й).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 9 августдаги 153-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжатлар аниқланди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан тасдиқланган 2001 йил 23 мартдаги 65-сонли буйруғига 12-сон илова, 2005 йил 30 сентябрдаги 217-сонли буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори томонидан тасдиқланган 2005 йил 17 августдаги 192-сонли буйруғига 5 ва 7-сонли иловалар ва 2007 йил 30 апрелдаги 71-сонли буйруғига 1-сон иловалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки Кенгашининг 2003 йил 23 декабрдаги 18-сонли қарори.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**

### ЭЪЛОН!

***Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Шеробод туман 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Ж.Бекиевга 1997 йил 30 июнда берилган SU 000017 рақамли нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилганлиги маълум қилинади.***

*E`tibor*

# Тўғри йўлинг — тақдиринг



***Мустақилликка эришган дастлабки кунларимизданоқ баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом, етук инсон бўлиб камол топишлари учун барча ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, билиб-билмай турли хил кўчага кириб қолган ёшларни тўғри йўлга солиш давлат ва кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келаётган энг муҳим масалалардан биридир.***

Аксарият ҳолларда айрим ота-оналар фарзандларини савдога қизиқтириб, уларнинг ўқишдан совишига йўл очиб берадилар.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, оила ва мактаб доимо узвий алоқада бўлиши, таълим ва тарбия жараёнида ота-онанинг фаол иштироки болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Айрим мактабларда тарбиявий ишлар даражасини балоғатга етмаганлар иши бўйича инспекцияда «Рўйхатда турган» ўқувчилар сонига қараб баҳолаш одатга айланган. Уларнинг сони қанча бўлса, мактаб фаолияти шунча паст деган нотўғри тушунча ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни рўйхатдан ўтказмасликка сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида, таълим-тарбиядан кўзланган самарани бермайди. Айрим ҳолларда ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларнинг интизомсизлигига ўқитувчиларнинг уларга нотўғри муносабатлари ҳам сабаб бўлади. Ўқувчи билиб-билмай ножўя иш қилиб қўйса, у йил бўйи «ёмон отлиқ» бўлиб юради. Бу ҳолларда ўқувчи ўз кучига ишонмай қўяди ва бундай муносабат унинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатади. Педагогик жамоа бундай ўқувчидан «қутулиш»нинг турли йўлларини излайди. Фаол, аълочи ўқувчилар ҳам ундан ўзларини олиб қочадилар. Натижада ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчи кейинчалик ҳақиқий ҳуқуқбузарга айланади. Шунинг учун синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ўзаро аҳил бўлишини таъминлаши керак. Қачонки ўқувчилар учун мактаб ҳақиқий билим масканига, устозлар эса ишончли дўстга айланса ва ўқувчи ўзига ҳимоя ва ишонч топа олган тақдирдагина у тўғри йўлдан адашмай, ҳаётда ўз ўрнига эга инсон бўлиб етишади. Тажрибадан маълумки, аксарият ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари етарли даражада бўлмайди. Мактабда ҳуқуқий билимларни ўрганиш, шубҳасиз, ёшларда ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик туйғусини шакллантиришга, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишига кўмаклашади. Ҳуқуқий маданият вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг энг самарали воситасидир.

**Мардона ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**Тошкент вилоят педагогика институтининг ўқитувчиси**

*Daholar dargohi*

## ТОЛСТОЙ ҚАЛБИДАГИ ОҒРИҚ

***Ер юзида буюк рус ёзувчиси, граф Лев Николаевич Толстойни билмайдиган мамлакат бўлмаса керак! Ҳаётий муаммолар ва инсоний муносабатларга қизиққан китобхон борки, унинг асарларини катта қизиқиш билан қайта-қайта ўқиганида янги-янги маъно топади, ҳайратга тушади. Шунинг учун ҳам у буюкда... 1851 йилда Лев Николаевичнинг акаси — армия зобити Николай Николаевич 23 ёшли йигитни Кавказга боришга кўндирди. Толстой Терек дарёси бўйидаги станцияда уч йил яшаб, Кавказнинг Кизляр, Тифлис, Владикавказ каби шаҳарларини айланиб чиқди.***



Айни бир вақтда Кавказда давом этаётган ҳарбий ҳаракатларда аввалига кўнгилли тарзда, кейинроқ ҳарбий хизматга қабул қилиниб, иштирок этди. Кавказ табиати-ю, казаклар ҳаётининг патриархал даражадаги ўта оддийлиги билан дворянлар доирасидаги кескин тафовут бўлажак ёзувчининг **«Казаклар»** (1852-1863) автобиографик повестига жуда бой манба берди. Кавказ таассуротлари адибнинг **«Босқин»** (1853), **«Ўрмон кесиш»** (1855) ва кейинроқ ёзилган **«Ҳожимурод»** (1896-1904) повестларида жуда қўл келди. 1854 йилда Қрим урушидаги иштироки ёзувчининг уруш ва инсон эркинлиги мавзусида янада чуқурроқ мушоҳада юритишига туртки берди. Толстойнинг **«Севастополь ҳикоялари»** туркумидаги асарлари худди шу пайтда пайдо бўла бошлади.

Беш йиллик ҳарбий хизматдан сўнг истеъфога чиққан Толстой туғилган жойи — Ясная Полянага қайтди. 1857 йилда эса чет эл сафарига жўнади. Франция, Италия, Швейцария, Германияда бўлган ёзувчи у ерда болалар таҳсилига нақадар эътибор берилаётганига гувоҳ бўлган эди. Шу сабабли 1859 йилнинг ёзида у ўзи туғилиб-ўсган қишлоқда деҳқон болалари учун мактаб очди. Бу машғулот унга шу қадар маъқул келдики, Европа мактаблари билан танишиш учун 1860 йилда яна хориж давлатларига жўнади. Сафардан қайтгач, 1862 йилдан «Ясная Поляна» педагогик журналини нашр эта бошлади.

Ўша йили у москвалик шифокорнинг 18 ёшли қизи Софья Андреевнага уйланиб, уни Ясная Полянага олиб келди. Бу ерда тўла-тўкис оилавий ва хўжалик ишларига берилиб кетди. Худди шу давр адиб ҳаётининг осудалиги, руҳий кўтаринкилик ва янги ижодий даври бўлди. 1865 йилда «Русский вестник» журналида «Уруш ва тинчлик» романининг биринчи қисми нашр этилди. Толстой онгида юз берган ўзгаришлар 1880 йиллардан кейин ёзилган асарларидаги қаҳрамон ҳаётида акс эта бошлади. Унинг бадиий асарлари қаторида бир неча диний-фалсафий трактатлари пайдо бўлди. Толстойнинг христиан дини қоидаларига ҳеч оғишмай амал қилишга чақиргани жамият томонидан жуда катта шов-шувлар билан кутиб олинди. Дунёни ўзгача тушуниш ва христианлик ҳақидаги янги тасаввурлар доирасида Толстой черковнинг давлат билан яқинлашувини танқид қилди. Бу эса унинг православ черкови билан муносабатлари йўққа чиқишига олиб келди.

Худди ўша пайтларда хусусий мулкка муносабати ўзгаргани ёзувчининг шахсий ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар ясади. Ўзига қарашли барча мол-мулкидан воз кечиши оила аъзолари ва айниқса, рафиқасининг кескин норозилигини келтириб чиқарди. **«Ҳақиқий санъат одамни поклайди ва бирлаштиради»**, деб ҳисоблаган адиб, энди Ясная Полянада ана шу бирлашувни топа олмай қолди. Оиланинг тинчи йўқолган эди. 1910 йилнинг 12 октябрида хотини Софья Андреевна тасодифан эрининг махфий кундалигини топиб олди. Софья Адреевна ўта рашкчи аёл эди. Кундаликни варақлаган Софья Андреевна эрининг махфий васиятномаси борлигидан бохабар бўлди. Умр бўйи адибнинг шахсий котибаси ва саккиз нафар боланинг онаси бўлмиш аёлга бу чидаб бўлмас ҳолат сифатида кўринди. Унинг сабабини тушунтиришлар Толстой учун қанчалик оғир бўлганини шундан билиш мумкинки, ёзувчи Ясная Полянада бўлган ҳамкасби Михаил Новиковга уйидан кетишга қарор қилганини билдирган.

Лев Толстой серфарзанд бўлган. Унинг хотини ҳам, ўғил-қизлари ҳам «асарлар» битган. Бу хонадонда «ёзиш» ҳамма учун севимли машғулот саналган. «Уруш ва тинчлик» муаллифининг фарзандлари шу тариқа кўплаб ҳикоялар, қиссалар ҳам ёзишган. Аммо уларнинг ҳеч қайсисига Лев Толстойдек шуҳрат қозониш насиб қилмаган.

28 октябрга ўтар кечаси у рафиқасига узундан-узоқ мактуб битди. Биргаликда «48 йиллик ҳалол ҳаёти учун» хотинига миннатдорчилик билдирди. 28 октябрь куни эрталаб Софья Андреевнага эрининг мактубини беришди. «*Менинг кетишим, сенинг қалбингни ўкинчга солади*», деган сўзларни ўқиган хотини азбаройи тушкунликка тушганидан ўзини ҳовузнинг муздек сувига отди. Уни қутқариб олган бўлишса-да, аммо аҳволи оғир эди. Бу пайтда Лев Толстой ўзининг оилавий шифокори Душан Маковицкий кузатувида Ростов-Дон йўналишидаги поездда кетарди.

Октябрь ойининг сўнгги куни Астапово станциясида ўта баланд ҳароратли Толстойни поезддан туширдилар. Унинг ўпкаси шамоллаган эди. Етти кун станция бошлиғи Иван Озолининг уйида ётган ёзувчи ўзига келмай вафот этди. 10 ноябрь куни дунё севган адибни Ясная Полянада дафн этдилар.

**Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади**

# Чақмоқтош

## Қандай мақсад кўзланган эди?



***1207 йилда Чингизхон тўнғич ўғли Жўчини Енисей дарёси бўйларида яшовчи қабилаларни босиб олишга юборади. Бу иш кўпчиликка аҳмоқона бўлиб кўринади, чунки ушбу қабилалар қашшоқ бўлганидан мўғулларга зарур бўлган олтину кумуш ва қўли гул усталарни етказиб бера олмасдилар. Бироқ Чингизхон бу юришдан мутлақо бошқа мақсадни кўзлаган эди. У ўша ерларни босиб олгачгина, буюк давлатни ярата олувчи қудратли қўшинга эга бўлишини биларди.***

***Хўш, Чингизхоннинг ўша қабилаларни босиб олишдан мақсади нима эди?***

«Чақмоқтош»да берилаётган ўнта саволга тўғри жавоб топиб, бизга мактуб йўллаган мухлис таҳририятнинг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади.

# БИР ҲОВУЧ ДУР

### СОКИНЛИК

***Қалби безовта инсон таом қанчалар лаззатли бўлмасин, унинг таъмини сезмайди, қанчалар ёқимли бўлмасин, қўнғироқ жарангини ҳис этолмайди, кўзлари ажойиб гулни кўрса-да, ундан завқ ололмайди. Агар инсон қалби осуда бўлса, гуллар мафтункор бўлмаса ҳам қувнайверади, оҳанглар жарангламаса ҳам дили ором олаверади. Қалб осуда бўлиши учун унда иймон бўлиши керак.***



### КЎНГИЛ КЎЗИГА БОҒЛИҚ

***Ҳар нарсанинг ободлиги бор. Қалбнинг ободлиги илм, ҳалоллик, муҳтожларга ёрдам бериш ва тўғри йўлда юриш. Ҳар нарсанинг хароблиги бор. Қалбнинг хароблиги нодонлик, гуноҳ қилиш, манманлик ва ғафлат. Хуллас, бу ўгитлардан хулоса чиқариш ҳар биримизнинг кўнгил кўзимизга боғлиқ.***

**Икром УЛУҒБОЕВ тайёрлади**

*Taassuf*

# Синган кўза



**Кўзанинг кунда эмас, кунида синишига Муҳаббат шу йилнинг 29 январида яна бир бор амин бўлди. Ўз таъбири билан айтганда, энг қора кун дея аталмиш худди шу санада у туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари «қўлига тушиб қолди».**

Хуллас, юқоридаги мақолнинг исботи ўлароқ, у суднинг қора курсисига ўтирди ва 2007 йилнинг 26 мартида ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади фойдасига ушлаб қолиш шарти билан бир йиллик ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди.

... Муҳаббат Умарова Оқ-олтин туманининг Фарғона хўжалигига Жиззахдан келин бўлиб тушган. 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Охирги пайтларда у негадир жонсарак бўлиб қолди. Айниқса, пул деса, ўзини ўтга-чўққа урадиган, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиганлар тоифасига киради». Бироқ, энг ёмони, бора-бора мавжуд тартиб-қоидаларни умуман менсимай қўйди.

Аввалига Муҳаббат уйида ширинликлар сотишга ихтисослашган дўкон очди. Соҳа тадбиркори сифатида тегишли идоралардан рўйхатдан ҳам ўтди.

Фаолияти бироз ривожлангандек бўлди-ю, аммо... Аммо олинаётган фойданинг «чўғи қўл куйдирмасди». Умуман, борига қаноат қилиб яшаш унинг қўлидан келмади. Охир-оқибат нафснинг домига тушиб, қўлбола усулда тайёрланган ароқ сотишга жазм этди.

Бу ишга шундай киришиб кетдики, натижада кўзига пулдан бўлак нарса кўринмай қолди. Вилоятнинг чекка бозорларидан турфа номдаги қўлбола ароқларни келтириб, ҳамқишлоқларига пуллай бошлади.

... Суд ҳукмидан кўчирма: **«Сирдарё вилояти синов ва сертификатлаштириш марказининг 2007 йил 7 февралдаги 04/02-27-сонли синов баённомасида Умарова Муҳаббатдан олинган ароқ маҳсулотлари меъёрий талабларга умуман жавоб бермаслиги билан бир қаторда, инсон соғлиғи учун хавфли эканлиги қайд этилган. Судланувчи ўзининг қасддан қилган бу жиноий ҳаракатлари билан умумий қиймати 179.650 сўмлик 110 шиша алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиб, Жиноят Кодексининг 186-[1] моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган».**

Юқоридагиларни ўқиб, беихтиёр ўйга толасан киши. Одамзод наҳотки, пул учун шундай ишга қўл урса... Ахир инсон ҳаёти учун хавфли унсурларга тўла бўлган ароқни у доимий тарзда кўни-қўшни, маҳалладошларига пуллаб келган. Уларнинг соғлиғини заррача ўйламаган. Ҳа, минг афсуски, қаҳрамонимиз ҳамма нарсадан кўра пулни афзал кўрди. Натижада... Таассуфки, Муҳаббат Умаровага ўхшаб нафс тўрига илинган «тадбиркор»лар номини кўплаб келтириш мумкин.

Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисолларга мурожаат этарканмиз, бу «қаҳрамонлар»нинг қилмишлари ҳам юқоридаги ҳолатдан ошса ошиб тушадики, асло кам эмаслигига амин бўламиз.

Қобил Чўтбоев Муҳаббат билан ҳамқишлоқ бўлиб, Фарғона хўжалигининг Мустақиллик маҳалласида яшайди. Қобил шу йилнинг 26 январь куни Қозоғистон Республикасининг Сапар-ота бозоридан 90 дона — сиғими 1,5 литрлик елим идишлардаги 135 литр этил спиртини сотиб олади ва уларни машинага юклаб, айланма йўллар орқали ўзи яшаб келаётган манзилга етаёзганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинади.

Туман маркази Сардоба қўрғонида яшовчи Габит Тинибеков ҳам «сендан қолсам қулоғимни кесаман», дейдиганлар тоифасидан чиқиб қолди. У «саф»доши Қобил Чўтбоев каби шу йилнинг 20 февраль куни қўшни Қозоғистон Республикасидан 600 дона елим идишлардаги 900 литр этил спиртини ҳеч қандай ҳужжатларсиз республикамиз ҳудудига олиб кираётганида Оқ-олтин туман ИИБ ходимлари «тўрига тушди». Умумий нархи қарийб 1 миллион сўмлик бу спирт маҳсулотлари таркиби лаборатория текширувидан ўтказилганида улар истеъмолга умуман яроқсиз эканлиги аён бўлди. Қонунбузарлар қилмишларига яраша жазо билан «сийланишди», албатта. Ушбуни сизларга баён этишдан мақсад эса сифатсиз алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний савдосига чек қўйишга кўмаклашиш. Била туриб инсон ҳаёти-ю соғлиғига раҳна солаётганларга эса айтар сўзимиз: куни келгач, кўза барибир синади.

**Раҳмонберди НОРҚЎЗИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Оқ-олтин туман суди раиси,**
**Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-715. Тиражи — 8120. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 18.30 [t] — тижорат мақола.
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4